Ушбу сонда:

3 Республика илмий-техника конференцияси

5-6 ДАСТУРЛАР

8 Дўст бўлсанг ёнимда юр (Бўлган воқеа)







ERURSEN SHOH, AGAR OGOHSEN SEN, AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSEN SEN

# Xabar

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI www.xabar.cc.uz xabar@uzpak.uz orif@infonet.uz

1992-yil martdan chiqa boshlagan 2005-yil, 3-iyun, 22 (663)-son Sotuvda narxi erkin


## ҲАФТАЛИК ХАБАРЛАР

◆ ***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг "Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди" номли янги китоби нашрдан чиқди. Китоб "Ўзбекистон" нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан кўпминг нусхада ўзбек ва рус тилларида чоп этилган.***

◆ *Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитасининг Ўзбекистон Республикаси Шаҳарсозлик кодексининг Хоразм вилоятидаги ижросига бағишланган йиғилиши бўлди. Унда Қонунчилик палатаси депутатлари, тегишли вазирлик ва идоралар, маҳаллий ҳокимликлар раҳбарлари қатнашишди.*

◆ ***Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида мамлакатимиз ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари учун брифинг бўлиб ўтди. Брифингда журналистлар шу йилнинг 13 май куни Андижонда содир этилган фожиали воқеалар юзасидан қўзғатилган жиноий иш бўйича бошланган дастлабки терговнинг натижалари билан таништирилди.***

◆ *Пойтахтимиздаги "Туркистон" саройининг ёзги саҳнасида Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишланган катта байрам ўтказилди. У "Sen yolg'iz emassan" республика жамоатчилик жамғармаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Маданият ва спорт ишлари, Халқ таълими вазирликлари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Маҳалла" республика хайрия жамғармаси томонидан ташкил этилди.*

QAROR VA IJRO

# Жамият ҳаётида

## компютер ва ахборот технологияларининг роли ошиб бормоқда



***Бундан уч йил аввал ахборотлаштиришнинг миллий тизимини шакллантириш, иқтисодиёт ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида замонавий ахборот технологияларини, компютер техникаси ва телекоммуникация воситаларини оммавий равишда жорий этиш ҳамда улардан фойдаланиш, фуқароларнинг ахборотга ортиб бораётган талаб-эҳтиёжларини янада тўлароқ қондириш, жаҳон ахборот ресурсларидан баҳраманд бўлишни кенгайтириш учун шарт-шароитларни яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Компютерлаштиришни ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида"ги Фармони (2002 йил, 30 май) эълон қилиниб, унинг ижросини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинган эди.***

*(Давоми 3-бетда.)*

### *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори*

## 2010 йилгача почта алоқаси шахобчаларини замонавийлаштириш, ахборот-коммуникация технологиялари негизида хизматларнинг янги турларини жорий этиш ва ривожлантириш дастури тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Почта алоқаси соҳасидаги фаолиятни такомиллаштириш тўғрисида" 2004 йил, 19 июлдаги 339-сонли қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. 2010 йилгача почта алоқаси шахобчаларини замонавийлаштириш, ахборот-коммуникация технологиялари негизида хизматларнинг янги турларини жорий этиш ва ривожлантириш Дастури (кейинги ўринларда Дастур деб аталади) иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қуйидаги мақсадли вазифаларни босқичма-босқич амалга ошириш дастурнинг асосий устувор йўналишлари этиб белгилансин:

- норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, почта алоқаси фаолият кўрсатишининг бозор механизмларини кенг жорий этиш, тармоқда замонавий ва самарали инфратузилмани шакллантириш, рақобатни ривожлантириш;
- умумий равишда фойдаланиладиган почта алоқаси шахобчаларини замонавийлаштириш, техника билан қайта жиҳозлаш ва янада ривожлантириш;
- хизматларнинг янги турлари комплексини жорий этиш, уларнинг турларини кенгайтириш, сифатли почта алоқаси хизматлари кўрсатилишини таъминлаш;
- почта алоқаси тармоқларида янги ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш ва жорий этиш;
- умумий равишда фойдаланиладиган почта алоқаси шахобчалари инфратузилмасини замонавийлаштириш ва ривожлантириш учун хорижий инвестицияларни, шу жумладан, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш.

3. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги билан биргаликда тасдиқланган Дастурни амалга ошириш учун хорижий банклар, халқаро молия ташкилотларининг кредитлари ва инвестицияларини жалб этиш чора-тадбирларини кўрсин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг**
**Бош вазири**
**Ш.МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2005 йил, 19 май


OBUNA — 2005

**ҲУРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР!**

Газетамизга 2005 йилнинг иккинчи ярим йиллиги учун обуна **10 июнгача** давом этишини маълум қиламиз.

"Xabar"га барча алоқа бўлимларида обуна бўлиш мумкин.



Нашр кўрсаткичлари:
Якка тартибдаги обуначилар учун — 227.
Ташкилотлар учун — 228.


***Андижонда содир этилган террорчилик хуружи бизга янада огоҳ бўлиш зарурлигини кўрсатди. Бугун барча соғлом фикрлайдиган инсонларнинг ўзини мўмингина қилиб кўрсатаётган, асли ақидапараст кимсаларга нафрати чексиз. Бир гуруҳ жиноятчиларга эргашган, эргашадиган қалб кўзи кўр одамлар бор экан — огоҳ бўлайлик. Кўриниб турибдики, мустақил фикрига эга, имони бутун инсонлар бу манфур тўдага қўшилмади. Бинобарин, ўз дунёқараши, ақл-заковатига суянган киши ҳар қандай тўсиқни енгади, ҳалоллик билан олий мақсадларига эришади.***

MUNOSABAT

# Қалбимиз уйғоқ бўлса...

**Ўзингиз бир мулоҳаза қилинг,** ўзбекона қадриятларни теран англаган, авайлаб-эъзозлаган одам бебаҳо бойлигимиз — тинчлигимизга рахна солармиди? Бегуноҳ одамларнинг умрига зомин бўлармиди? Бу аччиқ ҳақиқатни тан олайлик. Бу — халққа хиёнат, бу — касаллик, бу — қаллоблик. Бошқача ном билан атай олмаймиз. Қолаверса, ўзларига аёллар, кексалар ва болалардан "тирик қалқон" ясаганлардан яна нимани кутиш мумкин.

Нима учун шундай? Ҳаммамиз ҳам улуғ устозлардан сабоқ, таълим-тарбия оламиз, аммо ҳар каллада ҳар хаёл дегандай, орамизда нобоп, нотавон, нохолислар ҳам йўқ эмас. Уларга қарши курашишимиз зарур. Ёки ақалли ўзимизни, фарзандларимизни улардан эҳтиётламоғимиз фарз. Ахир, Президентимиз ҳам ўз вақтида "...одам ўз мустақил фикрига, собит эътиқодига, ўзи таяниб яшайдиган ҳаётий-миллий қадриятларга, шаклланган дунёқараш ва мустаҳкам иродага эга бўлмаса, ҳар турли мафкураларнинг босимига, уларнинг гоҳ ошкора, гоҳ пинҳона кўринишларидаги тазйиқларига бардош бериши амри маҳол", — деб айтган эди.

Улар қора ниятларига ета олмадилар, ҳеч қачон етолмайдилар ҳам. Бунинг учун эса ҳар биримиз қалбимизни уйғоқ, эътиқодимизни бутун сақлаган ҳолда ўзимизга топширилган инсоний бурчларни ёруғ юз билан адо этиб, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш йўлида меҳнат қилсак бас.

*Нўъмонжон АКБАРОВ,*
*"Фарғона Телеком" филиали директори*


uzpak Бизнинг Интернет ҳамкоримиз

*Вазирлар Маҳкамасининг*
*2005 йил, 19 майдаги 128-сонли Қарорига илова*

# 2010 йилгача почта алоқаси шахобчаларини замонавийлаштириш, ахборот-коммуникация технологиялари негизида хизматларнинг янги турларини жорий этиш ва ривожлантириш ДАСТУРИ

Ушбу дастур Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Почта алоқаси соҳасидаги фаолиятни такомиллаштириш тўғрисида" 2004 йил, 19 июлдаги 339-сонли қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган.

### I. Ўзбекистон Республикаси почта алоқасининг ҳозирги аҳволи

Мамлакатнинг почта алоқаси шахобчалари таркибий жиҳатдан "Ўзбекистон почтаси" очиқ акциядорлик жамияти шахобчаларидан иборатдир, улар қуйидагиларни ўз ичига олади:

- 189та туман ва шаҳар узелларидан, 2991та алоқа бўлимларидан (улардан 2305таси қишлоқ жойларда) иборат бўлган 14та минтақавий филиаллар;
- 3та ихтисослаштирилган филиал — "Халқаро почтамт", "Халқаро тезкор почта", "Ўзбекистон маркаси";
- почта жўнатмаларининг мунтазам равишда ташилишини таъминловчи 1та темир йўл, 34та авиа, 529та автомобил йўналишлари.

"Почта алоқаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ва Вазирлар Маҳкамасининг "Почта алоқаси соҳасидаги фаолиятни такомиллаштириш тўғрисида" 2004 йил, 19 июлдаги 339-сонли қарорига мувофиқ "Ўзбекистон почтаси" очиқ акциядорлик жамияти Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида универсал хизматларни эксклюзив амалга оширувчи миллий оператор ҳисобланади, шунингдек, халқаро почта айирбошлашни амалга оширади.

Почта хизматлари бозорида анъанавий хизматлар, шу жумладан, ёзма хат-хабарларни, жўнатмаларни, почта пул жўнатмаларини юбориш ва бошқа хизматлар кўрсатилади. "Ўзбекистон почтаси" очиқ акциядорлик жамияти табиий монополист ҳисобланадиган почта алоқасининг маҳаллий хизматлари сегментидан фарқли равишда, халқаро хизматлар сегментида рақобат мавжуд, унда 10дан ортиқ маҳаллий, хорижий фирмалар фаолият кўрсатмоқда.

"Табиий монополиялар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ табиий монополиялар субъектлари фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш умумий равишда фойдаланиладиган почта алоқаси хизматлари кўрсатиш соҳасида белгиланган. Почта хизматларининг ривожланаётган бозори шароитларида умумий равишда фойданиладиган почта алоқаси хизматлари кўрсатиш соҳасида давлат томонидан тартибга солишни фаолиятнинг тегишли турлари бўйича умумий равишда фойдаланадиган почта алоқаси операторлари фаолиятини лицензиялаш воситасида жорий этиш зарурияти пайдо бўлади.

Асосий воситалар ва мол-мулкнинг (почта тарозилари, мебеллари ва шу кабилар) эскириши 57 фоизни, почта автотранспорти парки бўйича — 73 фоизни ташкил қилади, бу минтақаларда почта жўнатмаларини айирбошлаш ва манзиллар бўйича ажратиш жараёнининг тезлигига салбий таъсир кўрсатади ҳамда уларни етказиб бериш муддатларини қисқартириш имконини бермайди (вилоят марказлари ўртасида 3 кун, бошқа аҳоли пунктларигача — 10 кунгача).

Ахборот-коммуникация технологияларининг етарли жорий этилмаганлиги сабабли почта алоқаси корхоналари томонидан хизматларнинг янги турлари кўрсатилмаяпти, уларнинг турлари кенгаймаяпти, почта жўнатмаларини ишлаш ва етказиб беришни автоматлаштириш даражаси пастлигича қолмоқда, бу кўрсатилаётган хизматлар сифатига жиддий таъсир кўрсатмоқда.

### II. Дастурнинг асосий мақсади ва вазифалари

Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш асосида хизматларнинг янги турларини ривожлантириш, Ўзбекистоннинг барча ҳудудида почта алоқаси универсал хизматларининг кафолатли ва сифатли кўрсатилишини таъминлаш ушбу Дастурнинг асосий мақсади ҳисобланади.

Қўйилган мақсаддан келиб чиққан ҳолда қуйидаги мақсадли вазифаларни амалга ошириш назарда тутилмоқда:

- норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, почта алоқаси фаолият кўрсатишининг бозор механизмларини кенг жорий этиш, тармоқда замонавий ва самарали инфратузилмани шакллантириш, рақобатни ривожлантириш;
- умумий равишда фойдаланиладиган почта алоқаси шахобчаларини замонавийлаштириш, техника билан қайта жиҳозлаш ва янада ривожлантириш;
- хизматларнинг янги турлари комплексини жорий этиш, уларнинг турларини кенгайтириш, сифатли почта алоқаси хизматлари кўрсатилишини таъминлаш;
- почта алоқаси тармоқларида янги ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш ва жорий этиш;
- умумий равишда фойдаланиладиган почта алоқаси шахобчалари инфратузилмасини замонавийлаштириш ва ривожлантириш учун хорижий инвестицияларни, шу жумладан, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш.

### III. Ахборот-коммуникация технологиялари негизида почта алоқаси шахобчаларини замонавийлаштириш ва хизматларнинг янги турларини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари

***3.1. Почта шахобчаларини замонавийлаштириш:***

- турли хил почта жўнатмаларини етказиб беришда аниқ тарификацияни таъминлаш учун почта алоқаси узелларини ва бўлимларини зарур миқдордаги электрон ўлчов воситалари билан жиҳозлаш;
- вилоятлараро, вилоятлар ва туманлар ички автомобил почта йўналишларини мақбуллаштириш учун минтақалараро айирбошлаш пунктларини ташкил этиш;
- почта жўнатмаларини ва пул маблағларини ташувчи почта автомобил техникаси паркини янгилаш, шунингдек, уларни кўчма алоқа воситалари билан қўшимча жиҳозлаш;
- почта алоқаси корхоналарида видеокузатиш ва фойдаланишни электрон назорат қилиш тизимларининг техник имкониятларини кенгайтириш;
- почта жўнатмаларини ва даврий матбуотни ишлаш, манзиллар бўйича ажратиш-айирбошлаш пунктларини портатив рентген — телевизион қурилмалар билан жиҳозлаш, шунингдек, кўлда ишлатиладиган металл детекторлар билан қўшимча жиҳозлаш.

***3.2. Почта алоқасининг янги хизмат турлари комплексини жорий этиш:***

- почта хизматлари — электрон почта, гибрид почта, электрон почта маркаси, "Товарларни почта орқали етказиб бериш", почта жўнатмаларини етказиб беришни Интернет ёки телефон орқали назорат қилиш тизими;
- интерактив хизматлар — компютер технологиярига асосланган сўзлашув пунктларидаги телефон, факсимил алоқа хизматлари, электрон маълумотнома тизими, Интернетдан фойдаланиш;
- молиявий хизматлар — пластик карточкалардан фойдаланган ҳолда молиявий тўловлар бўйича операциялар, электрон пул жўнатмалари, ҳисоб-китоб касса операциялари бўйича хизматлар;
- почта жўнатмаларини ишлаш, ҳисобга олиш ва назорат қилиш жараёнларида янги ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш.

***3.3. Почта алоқаси шахобчаларида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш:***

- почта жўнатмаларини етказиб бериш, ишлаш, манзиллар бўйича ажратиш ва мониторингини юритиш тизимини тегишли равишда замонавийлаштирган ҳолда почта инфратузилмасига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш;
- маълумотларни узатишнинг мавжуд корпоратив тармоғини замонавийлаштиришни йўли билан почта алоқасининг автоматлаштирилган тизимини яратиш, унга почта алоқасининг барча филиалларини, туман, шаҳар узеллари ва бўлимларини улаш, ахборот-коммуникация технологиялари негизида янги хизматлар турларини кўпайтириш учун иш ўринларини компютер технологиялари билан тегишли равишда жиҳозлаш;
- маълумотлар узатиш тармоғи орқали газеталарга, даврий, бошқа матбаа нашрларига ва турли товарларга буюртмаларни қабул қилиш, шунингдек, уларни буюртмачиларга тегишли почта алоқаси бўлимлари орқали етказиб бериш йўли билан электрон савдо тизимини ташкил этиш;
- маълумотлар узатишнинг замонавий технологиялари (АТМ, Frame Relay, Fast Ethernet, Gigabit Ethernet)ни қўллаган ҳолда халқаро пул жўнатмаларини етказиб бериш бўйича почта алоқаси хизматлари кўрсатишда ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш;
- 2002—2010 йилларда компютерлаштиришни ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш дастурини амалга оширишда қатнашиш.

***3.4. Норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш:***

- қонун ҳужжатларини халқаро амалиёт ва стандартлар талабларига мувофиқлаштириш юзасидан уларга ўзгартиришлар киритиш, тегишли фаолият турлари бўйича умумий равишда фойдаланиладиган почта алоқаси хизматлари кўрсатиш бўйича почта операторлари фаолиятини лицензиялаш механизмини жорий этиш;
- бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасини бошқаришни такомиллаштириш бўйича қабул қилинган Ҳукумат қароридан келиб чиққан ҳолда почта алоқаси корхоналари томонидан пенсиялар ва нафақаларни етказиб бериш бўйича норматив ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш;
- ахборот-коммуникация технологияларини қўллаган ҳолда почта хизматларини жорий этиш ва кўрсатиш бўйича фаолиятни тартибга соладиган почта алоқасининг тармоқ ишлаб чиқариш технологик ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини ишлаб чиқиш.

### IV. Дастурни амалга ошириш босқичлари ва молиялаштириш манбалари

***4.1. Амалга ошириш босқичлари:***

Дастурни иловага мувофиқ Тадбирлар режасига биноан 2005—2010 йиллар мобайнида амалга ошириш назарда тутилади.

**Биринчи босқичда** (2005—2007 йиллар) қуйидагилар назарда тутилади:

- телекоммуникациялар тизимини яратиш, унга тегишли миқдорда иш ўринларига эга бўлган почта алоқасининг 14та минтақавий ва битта ихтисослаштирилган филиалини, 189та туман ва шаҳар узелларини ҳамда 622та шаҳар ва қишлоқ алоқа бўлимларини улаш;
- почта алоқасининг автоматлаштирилган узеллари ва бўлимларида ахборот-коммуникация технологияларига асосланган янги хизмат турларини ташкил этиш ва жорий қилиш;
- махсус почта мебеллари билан жиҳозлаш, хизмат кўрсатиш инфратузилмаларини белгиланган талабларга мувофиқлаштириш;
- автомобил паркини янгилаш ва почта хавфсизлиги талабларига жавоб берадиган махсус автомобил техникасини сотиб олиш.

**Иккинчи босқичда** (2008—2010 йиллар) қуйидагилар назарда тутилади:

- почта алоқасининг қолган 1865та шаҳар ва қишлоқ бўлимларини автоматлаштиришни тугаллаш, уларни ташкил этилаётган корпоратив тармоққа қўшимча равишда интеграциялаш;
- почта алоқаси бўлимлари негизида 1065та фойдаланиш ўринларига мўлжалланган, Интернетдан жамоа бўлиб фойдаланиладиган 204та минтақавий пунктлар ташкил этиш;
- почта алоқаси узеллари ва бўлимларини замонавий электрон ўлчов воситалари билан қўшимча жиҳозлаш;
- минтақавий почтани ишлаш ва етказиб бериш муддатларини жадаллаштириш учун иккита минтақалараро айирбошлаш пунктлари ташкил этиш.

***4.2. Дастурни молиялаштириш:***

"Ўзбекистон почтаси" очиқ акциядорлик жамиятининг ўз маблағлари, Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасининг маблағлари, хорижий инвестициялар, тижорат банкларининг кредитлари, шунингдек, халқаро молия ташкилотларининг грантлари Дастурни молиялаштириш манбалари ҳисобланади.

Илғор ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш негизида почта алоқаси шахобчаларини замонавийлаштиришга молиявий ресурсларни мақсадли жалб этиш фаолиятини фаоллаштириш ва янги хизматлар комплексларини шакллантириш имконини беради.

ANJUMAN

# Республика илмий-техника конференцияси

**Тошкент ахборот технологиялари университетида “Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида фан, таълим ва ишлаб чиқариш ҳамда уларни интеграциялаш” мавзусида республика илмий-техника анжумани ўтказилди. Анжуманда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директорининг ўринбосари Асаджон Хўжаев иштирок этди.**



**Маълумки,** Тошкент ахборот технологиялари университети (ТАТУ) алоқа ва ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) бўйича фундаментал ва амалий тадқиқотлар муаммоларини ечишда етакчи мутахассислар тайёрловчи олий таълим даргоҳи ҳисобланади. Шу боис мазкур нуфузли анжуманга ТАТУ мезбонлик қилгани бежиз эмас. Ўқув юртлари ва ишлаб чиқаришда АКТнинг илмий назарий асосларини яратишда ўзаро тажриба алмашиш кўзда тутилган ушбу тадбирда Ички ишлар вазирлиги академияси, банк тизими, ташкилотлар ҳамда турли олий ўқув юртларидан келганлар эътиборига 150дан ортиқ маъруза ҳавола этилди.

Дастлабки кун ўтказилган умумий мажлисда “Ўзбектелеком” АК бош директори Ҳ.Муҳитдинов, UzInfoCom маркази директорининг биринчи ўринбосари Р.Ҳамдамов, ТАТУ ўқув ишлари бўйича проректори Х.Соатов, “Телевидение ва радиоэшиттириш кафедраси” мудири Ш.Таджибаев маъруза қилишди.

Конференция иши тўртта шўъбада — АКТ ва жамият тараққиёти; таълимда ахборот ва коммуникация технологиялари; Интернет, электрон тижорат ва электрон банк; алоқа трафиги ва ахборот коммуникациялари хизмати сифати сингари йўналишларда олиб борилди.

— 2005 йил университетимиз учун ўзига хос ҳисобот йили, шу боис бу каби йиғинларда ўтган йиллар давомида қилинган ишлар, мавжуд муаммоларга батафсил тўхталган ҳолда, келажак учун режалар тузиб оламиз, — дейди ТАТУ “Телевидение ва радиоэшиттириш кафедраси” мудири, доцент Шокир Таджибаев. — Анжуманда қилинган барча маърузаларнинг электрон вариантлари мавжуд ва талабалар, хоҳловчилар кутубхонамизга келиб, улардан фойдаланишлари мумкин.

Анжуманда Ўзбекистон ва жаҳон иқтисодиёти ривожланиш йўналишларининг таҳлили, иқтисодиётнинг барча йўналишларига ахборот технологияларини татбиқ қилиш, шунингдек, ушбу йўналишда кадрлар тайёрлаш, мавжуд ўқув курсларининг самарадорлигини ошириш, таълим ва ишлаб чиқариш интеграцияси масалаларига батафсил тўхталиб ўтилди. Олий таълим тизимида таълим жараёни сифатини такомиллаштиришга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқилди.

***Собит АҲАДОВ,***
***“Xabar” мухбири***

# Болажонлар байрами

**“Бухоро Телеком” филиалида** ҳар йили 1 июн — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунини кўтаринки руҳда ўтказиш анъанага айланган. Бу йил ҳам шундай бўлди. Ушбу сана арафасида филиал ишчи-хизматчилари фарзандларидан бир гуруҳи вилоят марказидаги хушманзара масканлардан бирида йиғилди. Улар бу ерда филиал бошланғич касаба уюшмаси қўмитаси сайъ-ҳаракати билан ташкил этилган ўзига хос болажонлар байрамининг шўх-шодон иштирокчиларига айландилар.

Вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмаси қўмитасининг раиси Олияхон Шукурлаева кичкинтойларни анъанавий байрам билан самимий қутлаб, уларга эзгу тилакларини билдирди.

Жажжи ўғил-қизлар шеър ва қўшиқ айтдилар, шўх рақсларга тушдилар, асфалтга расм чизиб, ўз маҳоратларини намойиш этдилар. “Ким эпчилу ким чаққон?” баҳсларидан ҳам олам-олам завқ олдилар.

Тадбирнинг ёш иштирокчиларига эсдалик совғалари топширилди. Мўъжазгина безатилган байрам дастурхони атрофида куй-қўшиқлар барчага хушнудлик бахш этди.

***Асқар ИСТАМОВ***
***Бухоро вилояти***

QAROR VA IJRO

# Жамият ҳаётида

## компютер ва ахборот технологияларининг роли ошиб бормоқда

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

**Фармонда ва ҳукумат қарорида** белгиланган дастурий чора-тадбирларнинг амалда рўёбга чиқарилиши бошқарувнинг барча тармоқ ва минтақавий органларига, иқтисодиёт ва маданиятнинг барча соҳаларига, умуман, жамиятга дахлдордир. Ушбу вазифаларни амалга ошириш учун Компютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича Мувофиқлаштирувчи Кенгаш ташкил этилди. Шунингдек, Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигига айлантирилди ҳамда унга республикада ахборотлаштиришни ривожлантириш бўйича қўшимча вазифалар юклатилди.

Ахборот хизматлари соҳасини ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш бўйича зарур меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш мақсадида Компютер ва ахборот технологияларини жорий қилиш ва ривожлантириш UzInfoCom маркази ташкил этилди. Ушбу марказ айни пайтда компютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологиялари масалалари

Тошкент шаҳрида ва ўнта вилоят марказида рақамли автоматик халқаро ва шаҳарлараро телефон станциялари ўрнатилган. АХ/ШТСларнинг рақамлаштириш даражаси 87,5 фоизга етди, шунингдек, ҳозирги кунда автоматлаштирилган шаҳарлараро телефон алоқаси вилоятлар таркибига кирувчи шаҳарларда ҳамда 178 туман марказида мавжуд.

Таълим тизимида ҳам компютерлаштиришни ривожлантиришга катта аҳамият берилмоқда. Кейинги йилларда олий ўқув юртлари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ҳамда умумтаълим мактабларидаги ахборот-коммуникация технологиялари базаси сезиларли даражада яхшиланди. Таълим тизимидаги компютерлар сони уч йил ичида қарийб икки бараварга ўсди. Агар 2002 йилда мамлакатимиздаги 61та олий ўқув юртининг 40таси Интернетга уланган бўлса, бугунга келиб уларнинг барчаси Интернет тармоғидан фойдаланиш имконига эга. Шунингдек, олий ўқув юртларининг 80 фоизида Web-сайтлар ишлаб турибди.

Мамлакатимизда рақамли тармоқларнинг ривожланиши аҳолига талаб даражасидаги

келинаётган компютер маълумотларини узатиш тармоқларини барпо этишга мўлжалланган асбоб-ускуналар, компютер техникаси ва унга бутловчи буюмлар ҳамда дастурий воситалар божхона тўловини тўлашдан, компютер ва ахборот технологияларига ўқитиш бўйича хизматлар, дастурий воситаларни сотиш, шунингдек, уларга сервис хизматларини кўрсатиш қўшимча қиймат солиғидан озод қилинди. Бундай имтиёзлар компютерлаштиришни ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишда муҳим омил бўлди.

Қабул қилинган ҳужжатларда компютерлаштириш ва ахборот технологиялари соҳасида кадрлар тайёрлаш ва уларни қайта тайёрлашни ривожлантириш ҳамда такомиллаштиришнинг аниқ вазифалари олдинга қўйилганди. Шу мақсадда, Тошкент электротехника алоқа институти Тошкент ахборот технологиялари университетига айлантирилиб, янги мутахассисликлар бўйича кадрлар тайёрлана бошланди. Бундан ташқари, бошқа олий ўқув юртларининг моддий-техника ва илмий

бўйича хусусий бизнес, бюджет ташкилотлари ҳамда бошқарув органларига кенг миқёсда ахборот, сервис ва консалтинг хизматларини кўрсатиб келмоқда. Бундан ташқари, марказ томонидан турли корхоналар ва давлат бошқаруви органлари учун намунавий (соддалаштирилган) ҳамда оригинал дизайндаги мукаммал сайтлар яратиб бериляпти. Ҳозирга қадар 30га яқин ана шундай сайт тайёрланди.

Вазирлар Маҳкамасининг қарори ва 2002—2010 йилларда компютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш дастурига биноан телекоммуникациялар тармоқларини янги босқичга олиб чиқиш мўлжалланганди. Бу борада ҳам талай ишлар бажарилди. Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасининг барча вилоят марказлари ва 47та туман марказига рақамли тармоқлар етказилган. Магистрал телефон каналларининг узунлиги 10506.9 минг километрга етди, шундан 7876.3 минг километри (74,9 фоизи) рақамли узатиш тизимларидир. Ички зоналардаги телефон каналларининг узунлиги эса 1349.1 минг километрни ташкил этиб, унинг 500.5 минг километри рақамли узатиш тизимларига асосланган.

Телефон станцияларида рақамлаштириш даражаси сиғими 37 фоизга (Бухоро, Навоий, Хоразм вилоятларида, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Чирчиқ шаҳарларида эса 70-80 фоизга) етказилди. Маҳаллий тармоқларда 600 километрдан кўпроқ оптик-толали алоқа линияси ўтказилган бўлиб, станциялараро алоқани ташкил этиш учун фойдаланишга топширилди.

маълумотлар узатиш, янги мултимедиа ва Интернет хизматлари кўрсатиш имконини берди. 2002 йили Интернетдан фойдаланувчилар сони 120 мингни ташкил этган бўлса, ҳозирда уларнинг сони 715 мингдан ошиб кетди. Интернет-провайдерлар сони ҳам ортиб бормоқда. Уч йил аввал 135та провайдер хизмат кўрсатган бўлса, бугунга келиб улар сони 500га яқинлашди. Рақобатнинг кучайиши нархларнинг пасайишига, маълумотлар олиш тезлигининг ошишига ва фойдаланувчилар сонининг ортишига олиб келди. Агар уч йил олдин Интернет хизматидан фойдаланиш соатига ўртача 1000 сўмга тушган бўлса, ҳозир бу кўрсаткич ўртача 400 сўмга тенг. Шунингдек, бу борада имтиёзлар ҳам кўпайди.

2003 йилга қадар ".UZ" миллий доменининг маъмурий бошқаруви "Euracom Equipment GmBN" (Германия) компаниясининг Ўзбекистондаги вакили "Tomas" фирмаси орқали амалга оширилар эди. Рўйхатга олиш ҳақининг қимматлиги ушбу домендаги сайтлар сонининг ошишига тўсқинлик қиларди. ".UZ" миллий доменини бошқариш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси ихтиёрига ўтказилганидан сўнг бу муаммо барҳам топди. Мазкур доменда рўйхатдан ўтган сайтлар сони уч йил ичида 587тадан 3 мингга етди.

Ҳукумат қарорида дастурий маҳсулотларни тузиш, мамлакатимизнинг ўзида компютер техникаси ва буюмларини ишлаб чиқаришни ривожлантириш чора-тадбирлари биринчи вазифалардан бири этиб белгиланган. Шу боис, 2006 йилнинг 1 январигача мамлакатимизга олиб

тадқиқот базасини кенгайтириш юзасидан чора-тадбирлар белгиланди. Ҳозирда АКТ бўйича мутахассислар олий ўқув юртларидан ташқари 17та касб-ҳунар коллежида ҳам тайёрланмоқда. 2004 йили касб-ҳунар коллежларини тамомлаб, АКТ бўйича мутахассисликка эга бўлганлар сони 4327 нафарни ташкил этди. Бу кўрсаткич 2002 йилдагига нисбатан 7 баробар кўпдир. Олий ўқув юртларида эса 2002 йилгидан қарийб икки баробар ортиқ – 5174 битирувчи ушбу мутахассисликни эгаллади.

25-27 май кунлари Президентимизнинг Хитой Халқ Республикасига давлат ташрифи чоғида алоқа ва ахборот технологиялари соҳасида ҳамкорликни янги поғонага кўтариш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги билан Хитой Ахборот саноати вазирлиги ўртасида алоқа ва ахборот технологиялари соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги идоралараро битим имзоланди. Бу ҳам соҳа ривожида ўзининг ижобий натижаларини беради.

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, фармон ва қарор ижроси бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилди ва оширилмоқда. Юқорида келтириб ўтилган кўрсаткичлар шу ишларнинг бир қисми, холос. Асосийси, кўрилган чора-тадбирлар натижасида мамлакат иқтисодиёти ўсишида телекоммуникациялар, компютер ва ахборот технологияларининг роли ошиб, аҳоли турмушига техник қурилмалар ва хизматларнинг энг замонавий турлари жадал кириб бормоқда.

***Лутфилло ТУРСУНОВ***

**«O'zAloqaKonsalting» YAJ алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси бозорида хизмат кўрсатаётган хўжалик юритувчи субъектларнинг консалтинг хизматларига бўлган талабларини қондириш, уларга малакали консультация ва экспертиза хизматларини кўрсатиш ҳамда инжиниринг ишларини бажариш мақсадида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Давлат алоқа инспекцияси, Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази, Электромагнит мослашув маркази, Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение маркази, акциядорлик-тижорат «Алоқабанк»и, «Ўзбектелеком» АК ва бошқа корхоналар таъсисчилигида 2003 йилнинг охирида ташкил этилган.**

# Консалтинг хизматларидан фойдаланинг!

**Акциядорлик жамиятининг** Устав фонди белгиланган муддатларда тўлиқ жамланди. Фаолият юритиш учун зарур бўлган компютерлар ва бошқа жиҳозлар билан деярли тўлиқ таъминланди. Корхонада малакали, тажрибали, соҳани яхши биладиган мутахассислар билан бир қаторда, эндигина Тошкент ахборот технологиялари университетини, Тошкент давлат техника университетини тугатган ёш, ғайратли кадрлар фаолият кўрсатмоқда. Бундан ташқари юқори савияда консалтинг хизматларини кўрсатиш ва инжиниринг ишларини бажариш мақсадида акциядорлик жамияти соҳанинг барча жабҳаларида фаолият юритаётган малакали маъсул мутахассис-экспертларни жалб этиб, соҳанинг бебаҳо бой интеллектуал имкониятларидан фойдаланишни мақсадга мувофиқ деб билади.

Акциядорлик жамияти 2004 йилдан бошлаб корхона соҳа субъектларига консалтинг хизматларини кўрсата бошлади. Таъсисчиларимиздан бири ФТМТМнинг амалий ёрдамида корхонада соҳа субъектлари фаолиятига тегишли бўлган барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг базаси яратилди.

Почта соҳасининг саккизта вилоят филиалида, 128 та шаҳар ва туман почта алоқаси тармоғида, 1864та почта алоқаси бўлимларида, Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение марказининг барча вилоят таркибий бирликлари ва РТСларида, Электромагнит мослашув марказининг барча вилоят таркибий бирликларида, «Ўзбектелеком» АК филиаллари, шаҳар, туман телекоммуникациялар боғламаларида тасдиқланган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг номинал рўйхатлари асосида жойларда уларнинг мавжудлиги, ўқиб ўрганилиши, амалга татбиқ этилиши масалалари юзасидан мониторинг ишлари олиб борилди. Мониторинг натижалари таҳлил қилиниб, тегишли чоралар кўрилганидан кейин қайд этилган субъектлар фаолиятларини мувофиқлаштиришда зарур бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан таъминланиши анча яхшиланди.

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ филиаллари, шаҳар, туман почта алоқаси тармоқлари ва почта алоқаси бўлимлари, Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение маркази, Электромагнит мослашув маркази ва уларнинг таркибий бирликлари, «Ўзбектелеком» АК филиаллари ва телекоммуникациялар боғламалари, «EAST Telecom» ҚК ва унинг филиалларида 2004 йилда амалга киритилган норматив-ҳужжатларни эътиборга олган ҳолда фаолият юритишлари учун зарур бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар номинал рўйхатлари қайтадан ишлаб чиқилди, субъект раҳбари, Давлат алоқа инспекцияси билан келишилиб, Агентлик раҳбарияти томонидан тасдиқланди. Шунингдек, номинал рўйхатлар лойиҳалари «Ўзбекистон кабел телевидениеси» ЕАЖ, «Интернет кафе», «Уяли радиоалоқа», «Маълумотларни узатиш», «Муассасавий радиоалоқа» ва бошқа субъектлар фаолиятларини мувофиқлаштириш мақсадида ҳам тайёрлана бошланди. Бу, албатта, субъектларнинг тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан таъминланишига, улардан амалда фойдаланиш ва татбиқ этишда аниқлик киритиб, анча ёрдам берди, субъектлар фаолият юритишлари учун зарур бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни сотиб ола бошладилар, пировард натижада мазкур ҳужжатларга бўлган муносабат ўзгариб борди ва улардан амалда фойдаланиш фаоллашди.

Акциядорлик жамияти томонидан почта алоқаси субъектлари, филиаллар, шаҳар ва туман почта алоқаси тармоқлари ҳамда бўлимлари, «Ўзбектелеком» АК филиаллари, телекоммуникациялар боғламалари, вилоятлар радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение марказлари, РТСлари фаолиятларини мувофиқлаштириш учун зарур бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар номинал рўйхатлари бўйича китоб тўпламлари ишлаб чиқилди.

Соҳа корхоналари томонидан Агентликка тақдим этилган 20дан ортиқ ҳар хил ҳужжат лойиҳалари экспертизадан ўтказилди.

Корхоналарнинг ускуналар сотиб олиш бўйича тендер ўтказиш ҳужжатлари тайёрланди, уни ўтказишда амалий ёрдам кўрсатилди.

Соҳа фаолиятига оид бўлган учта давлат стандартлари ва тўртта норматив ҳужжатлар лойиҳалари ишлаб чиқилди, ҳозирги вақтда уларни тасдиқлатиш ва амалга киритиш ишлари олиб борилмоқда.

Хитой Халқ Республикаси томонидан давлат кафолатлигида ажратилаётган имтиёзли кредитлар ҳисобидан амалга ошириладиган, «Йўлдош алоқа тизими орқали телекўрсатувлар ва радиоэшиттиришларни ташкил этиш» ва «Ўзбектелеком» АК телекоммуникация тармоғини қайта жиҳозлаш ва ривожлантириш» телекоммуникация лойиҳаларига техник иқтисодий асослар ишлаб чиқилди.

Республикамизнинг узоқ тоғ ва тоғ орти — бориш қийин бўлган уч юздан ортиқ қишлоқларида Давлат телерадиодастурларини кўрсатиш, эшиттириш мақсадида изланиш, тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси корхоналарида Сифат менежменти тизими (ИСО-9000:2000)ни ишлаб чиқиш, жорий этиш, мутахассисларни ўқитиш хизматлари кўрсатилмоқда.

Яна бир янги йўналиш, «O'zAloqaKonsalting» YAJга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил, 21 апрелдан 000385-сонли қурилиш лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш фаолияти билан шуғулланиш рухсати — лицензияси берилди. Бу ишни амалга ошириш учун акциядорлик жамияти ходимлари томонидан пухта тайёргарлик кўрилган.

***Тоҳир БИКМЕТОВ,***
***«O'zAloqaKonsalting» YAJ директори***


## ЭЪЛОН!

**«O'ZALOQAKONSALTING» YAJ корхона, ташкилот ҳамда идораларга алоқа ва ахборотлаштириш операторлари, провайдерларига қурилиш лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш бўйича ўз хизматларини қисқа муддатларда сифатли ва нисбатан арзон нархларда бажаришни таклиф этади.**

**Ҳурматли алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида фаолият юритаётган корхона ва ташкилотлар раҳбар-мутахассислари!**

*Соҳа фаолиятига алоқадор бўлган, Сизларни қизиқтирган ёки мумкин бўлиб турган ҳар қандай масалалар, саволлар бўйича «O'zAloqaKonsalting» YAJга мурожаат қилишингиз мумкин. Сизларга корхона орқали соҳанинг малакали мутахассис ва экспертлари аниқ ва тўлиқ маслаҳат ва жавоблар берадилар.*

*«O'zAloqaKonsalting» YAJ Сизларга ҳар томонлама фойдали бўлган консалтинг хизматларини кўрсатиш, экспертиза ва инжиниринг ишларини бажариш бўйича ўзининг хизматларини таклиф этади. Биз бажарадиган хизматлар ўзининг ижобий натижалари билан Сизларни хурсанд қилади, деган умиддамиз.*

*«O'zAloqaKonsalting» YAJ фаолияти тўғрисидаги маълумотларни корхонанинг янги ташкил этилган сайтидан олишингиз мумкин.*

*«O'zAloqaKonsalting» YAJга мурожаат қилинг ва буюртма беринг. Биз Сизнинг хизматингиздамиз.*

**Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, А.Толстой кўчаси, 1-уй — «Ўзбекистон почтаси» очиқ акциядорлик жамиятининг «Тошкент почтамти» филиали биноси, 310-315-хоналар.**

Телефонлар: 137-02-26, 137-09-28. Факс: 137-13-83,
E-mail bikmetov@ac.uz,
Веб саҳифамиз: www.ac.uz



**СООБЩЕНИЕ О СУЩЕСТВЕННОМ ФАКТЕ**

**Руководство ОАО СП "УЗМАКОМ"**

**информирует всех заинтересованных лиц, что в соответствии с решением общего собрания акционеров компании от 25.04.2005 года Узбекско-Малайзийское совместное предприятие – открытое акционерное общество СП "УЗМАКОМ" преобразуется в Узбекско-Малайзийское предприятие с иностранными инвестициями "УЗМАКОМ", Общество с ограниченной ответственностью.**



**Наблюдательный совет**

**ОАО "ТАНСИК-НОН"**

*принимает к рассмотрению на конкурсной основе бизнес-план развития производства на 2005 год.*

**Наш адрес: г. Ташкент, ул. Чехова, д. 1.**
**Контактные телефоны: 136-34-56, 136-34-54.**


**Ўтганларнинг охирати обод бўлсин**

Коллектив филиала "Shaharlararo aloqa korxonasi" АК "Узбектелеком" выражает искреннее соболезнование ведущему инженеру Лазаревич Валерию Ивановичу в связи с кончиной его матери

**ЛАЗАРЕВИЧ Татьяны Григорьевны.**


**Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси**

**«O'zkabel» ОАЖ**

**Мустақил республикамиздаги кабел-сим маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар сардоридир.**

**У кабел маҳсулотлари бозорида 60 йилдан ортиқ давр мобайнида фаолият кўрсатиб келмоқда.**

**Биз Сизларни ўзаро манфаатли ҳамкорликка чорлаб, корхонамиз маҳсулотларидан фойдаланишингиз учун барча имкониятларни яратамиз.**

**Корхона кенг кўламда аъло сифатли КМО, КПБП, КГ, КГЭ, ТПП, ТПВ, ТППэп, ПГФ, ЗКПм, КСПП, СБПУ, РК-75, КВТ, АКВВГ, КВВГ, АКВВКЭ, КВВГЭ, ПВ, АПВ, ВПП, ВПВ, А, АС, М, МГ, МФ, МГЭ, ВВГ, АПВГ, АВВГ, АСБ, СБ кучланиши 1, 6, 10 кВгача, АППБН, ПБНГ, ПУНП, ПРППМ, ППБН, ППС, ПУГНП, ТРБН, ПВДПО кабеллари; ММ, МТ симлари — жами 2 мингдан ортиқ турдаги кабел маҳсулотлари ишлаб чиқаради ва сотади.**



**Маҳсулот сертификатланган, баҳоси рақобатбардош.**

**«O'zkabel» ОАЖ**

бизнес бўйича ҳамкорлик қилишга доимо тайёр, ўзаро муносабатларни қадрлайди ва уларнинг келгусида янада мустаҳкамланишига ҳаракат қилади.

Биз Сиз билан бирга ишлаймиз, Сиз учун, Сизнинг порлоқ келажагингиз учун меҳнат қиламиз.

**Манзилимиз: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Ф.Хўжаев кўчаси, 2-уй.**
**Телефонлар: 162-39-58, 162-93-65, 162-02-36, 162-02-41.**
**Факс: 162-35-71.**
**www.uzkabel.uz, e-mail: marketing@uzkabel.uz**

# Вниманию акционеров ЗАО «O'ZIMPEKSALOQA»!

Закрытое акционерное общество «O'ZIMPEKSALOQA», расположенное по адресу г. Ташкент, ул А. Темура, 24,настоящим сообщает о существенных фактах своей финансово-хозяйственной деятельности:

**Начисление доходов по ценным бумагам ЗАО «O'ZIMPEKSALOQA».**

**Порядковый номер сообщения – 05.**

Вид ценных бумаг - **акции;**

Категория (тип) – **простые именные, номинал – 1000,0 сум;**

Дата принятия эмитентом решения о выплате дивидендов по акциям – **26 мая 2005 года;**

Орган эмитента, принявший решение о выплате дивидендов по акциям – **годовое общее собрание акционеров ЗАО «O'ZIMPEKSALOQA».**

Размер дивиденда, выплачиваемого на 1простую именную акцию – **850,0 сум**

Общее количество акций одной категории (все 100% простые именные), по которым начислены дивиденды – **29 354 шт.**

Форма выплаты начисленных доходов по акциям – **денежные средства.**

Выплату осуществить с 5 июля по 26 июля 2005 г.

**Решение общего собрания. Порядковый номер сообщения – 09.**

Вид общего собрания – **годовое**

Форма проведения общего собрания – **очная**

Дата проведения общего собрания – **26 мая 2005 г., 15-00 час**

Место проведения общего собрания – **г. Ташкент, ул. А. Темура, 24**

Кворум собрания – **97,97%**

**Вопросы, поставленные на голосование, и итоги голосования по ним:**

| № | Вопросы повестки дня | Итоги голосования | | |
|---|---|---|---|---|
| | | За | Против | Воздержались |
| 1 | Утверждение отчета исполнительного органа о результатах финансово-хозяйственной деятельности ЗАО «O'ZIMPEKSALOQA» за 2004 год | 28 757 | нет | нет |
| 2 | Утверждение заключения аудиторской организации по итогам проверки финансовой отчетности ЗАО «O'ZIMPEKSALOQA» за 2004 год | 28 757 | нет | нет |
| 3 | Утверждение заключения Ревизионной комиссии по итогам проверки финансово-хозяйственной деятельности ЗАО «O'ZIMPEKSALOQA» за 2004 год | 28 757 | нет | нет |
| 4 | Утверждение годового бухгалтерского баланса, финансовой отчетности ЗАО «O'ZIMPEKSALOQA» за 2004 год | 28 757 | нет | нет |
| 5 | Утверждение распределения чистой прибыли ЗАО «O'ZIMPEKSALOQA» за 2004 г., порядка и сроков выплаты годовых дивидендов | 28 757 | нет | нет |
| 6 | Утверждение отчета Наблюдательного совета ЗАО «O'ZIMPEKSALOQA» о проделанной работе за 2004 год | 28 757 | нет | нет |
| 7 | Выборы кандидатов в состав Наблюдательного совета ЗАО «O'ZIMPEKSALOQA» на 2005 год | | | |
| | За Аскарова Р. А. | Госповеренный ЗАО «OZIMPEKSALOQA», по должности является членом Наблюдательного совета, не подлежит избранию (переизбранию) | | |
| | За Жучкова А. И. | 15 950 | 12 807 | нет |
| | За Агзамову Р. С. | 13 456 | 15 201 | 100 |
| | За Завкиева Г. Ш. | 16 052 | 12 705 | нет |
| 8 | Избрание исполнительного органа ЗАО «O'ZIMPEKSALOQA» на 2005 год | 28 757 | нет | нет |
| 9 | Принятие решения об определении аудиторской организации на 2005 год и предельном размере оплаты ее услуг | 28 757 | нет | нет |
| 10 | Утверждение бизнес-плана ЗАО «O'ZIMPEKSALOQA» на 2005 год | 28 757 | нет | нет |
| 11 | Утверждение изменений к Уставу ЗАО «O'ZIMPEKSALOQA» | 24 157 | 4 600 | нет |
| 12 | Утверждение изменений к «Положению об Общем собрании акционеров ЗАО «O'ZIMPEKSALOQA» | 24 157 | 4 600 | нет |
| 13 | Утверждение изменений к «Положению о Наблюдательном совете ЗАО «O'ZIMPEKSALOQA» | 24 157 | 4 600 | нет |
| 14 | Утверждение изменений к «Положению об исполнительном органе ЗАО «O'ZIMPEKSALOQA» | 24 157 | 4 600 | нет |
| 15 | Об упразднении «Положения о государственном поверенном ЗАО «O'ZIMPEKSALOQA» | 28 757 | нет | нет |

**Полные формулировки решений, принятых общим собранием**

В ходе заседания акционерами были приняты следующие решения:

♦ ***Утвердить отчет исполнительного органа о финансово-хозяйственной деятельности ЗАО "O'ZIMPEKSALOQA" за 2004 год;***

♦ ***Утвердить заключение аудиторской организации "AUDIT STANDART" по итогам проверки финансовой отчетности ЗАО "O'ZIMPEKSALOQA" за 2004 год;***

♦ ***Утвердить заключение Ревизионной комиссии по итогам проверки финансово-хозяйственной деятельности ЗАО "O'ZIMPEKSALOQA" за 2004 год;***

♦ ***Утвердить годовой бухгалтерский баланс, финансовую отчетность ЗАО "O'ZIMPEKSALOQA" за 2004 год;***

♦ ***Утвердить предложенное распределение чистой прибыли ЗАО "O'ZIMPEKSALOQA" за 2004 год; с 05.07.2005 г. по 26.07.2005 г. осуществить выплату годовых дивидендов в размере 850 сум на 1 акцию. Выплата будет осуществлена денежными средствами;***

♦ ***Утвердить отчет об итогах деятельности Наблюдательного совета ЗАО "O'ZIMPEKSALOQA" за 2004 год;***

♦ ***Утвердить на 2005 год Наблюдательный совет Общества в следующем составе:***
***АСКАРОВ РАВШАН АКБАРОВИЧ - госповеренный, по должности является членом Наблюдательного совета ЗАО "O'ZIMPEKSALOQA", не подлежит избранию (переизбранию);***
***ЖУЧКОВ АНАТОЛИЙ ИВАНОВИЧ; ЗАВКИЕВ ГЕННАДИЙ ШАРИПОВИЧ.***

♦ ***Продлить договор найма с ИСРОИЛОВЫМ И. И. (единоличным исполнительным органом) на 2005 год; поручить Наблюдательному совету в установленном порядке оформить указанный договор;***

♦ ***Утвердить фирму "AUDIT GLOBAL MA'LUMOT" в качестве аудиторской организации для аудиторской проверки ЗАО "O'ZIMPEKSALOQA" за 2005 год; определить предельный размер оплаты ее услуг - до 900,0 тыс. сум. В случае перерегистрации фирмы и переименования ее дать полномочие Наблюдательному совету утвердить эту же аудиторскую организацию под другим названием;***

♦ ***Утвердить бизнес-план ЗАО "O'ZIMPEKSALOQA" на 2005 год;***

♦ ***Утвердить изменения к Уставу ЗАО "O'ZIMPEKSALOQA";***

♦ ***Утвердить изменения к "Положению об общем собрании акционеров ЗАО "O'ZIMPEKSALOQA";***

♦ ***Утвердить изменения к "Положению о Наблюдательном совете ЗАО "O'ZIMPEKSALOQA";***

♦ ***Утвердить изменения к "Положению об Исполнительном органе ЗАО "O'ZIMPEKSALOQA";***

♦ ***Упразднить "Положение о Государственном поверенном ЗАО "O'ZIMPEKSALOQA".***

***Изменения в персональном составе должностных лиц. Порядковый номер сообщения - 10.***

Орган управления общества, в котором произошли изменения - **Наблюдательный совет ЗАО "O'ZIMPEKSALOQA";**

ФИО лица, избранного в Наблюдательный совет общества - **ЗАВКИЕВ ГЕННАДИЙ ШАРИПОВИЧ.**

Состав Наблюдательного совета, избранного Общим собранием акционеров на 2005 год - **АСКАРОВ РАВШАН АКБАРОВИЧ, ЖУЧКОВ АНАТОЛИЙ ИВАНОВИЧ, ЗАВКИЕВ ГЕННАДИЙ ШАРИПОВИЧ**

ФИО лица, полномочия которого прекращены - **АГЗАМОВА РАЪНО СУЛТАНОВНА**

Дата, в которую произошли указанные изменения - **26 мая 2005 г.**

Уполномоченный орган ЗАО "O'ZIMPEKSALOQA", принявший решение - **годовое общее собрание акционеров.**

***(В соответствии со ст. 80 Закона Республики Узбекистан "Об акционерных обществах и защите прав акционеров" протокол общего собрания акционеров от 26.05.2005 г. составлен 01.06.2005 г.)***

**Список аффилированных лиц ЗАО "O'ZIMPEKSALOQA" по состоянию на 01.06.2005 г.**

| № | ФИО аффилированного лица | Местонахождение и ИНН аффилированного лица | Кол-во принадлежащих аффилированному лицу акций | Основание, по которому лицо является аффилированным | Дата наступления основания, по которому лицо является аффилированным |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Госкомимущество РУз | г. Ташкент, ул Узбекистанская, 55 ИНН 201122696 | 14 981 (51,0%) | Владение более 20% акций от уставного фонда ЗАО (Гос активы) | 03.10.2003 г. |
| 2 | Аскаров Р. А. | ИНН 401343764 | | Госповеренный, член Наблюдательного совета ЗАО | 14.02.2005 г. |
| 3 | Жучков А. И. | ИНН 460304576 | | Председатель Наблюдательного совета ЗАО | 04.06.2002 г. (26.05.2005 г. переизбран на 2005 год.) |
| 4 | Агзамова Р. С. | ИНН 444694131 | 7 456 (25,40%) | Владение более 20% акций от уставного фонда ЗАО | 03.10.2003 г. |
| 5 | Завкиев Г. Ш. | | | Член Наблюдательного совета ЗАО | 26.05.2005 г. (избран на 2005 год) |
| 6 | Исроилов И. И. | ИНН 448386678 | 100 (0,34%) | Генеральный директор ЗАО | 01.03.2000 г., (26.05.2005 г. продлен договор найма на 2005 год) |

TURMUSH CHORRAHALARIDA

*Пойтахтимизнинг "Чилонзор" метро бекати ёнида матбуот дўкони жойлашган. У ерда кўп йиллардан буён Баҳодир ака сотувчилик қилади. У жудаям хушмуомала, гапга чечан инсон. Қайси газетада қизиқарли нарсалар чиққанлиги хусусида ҳам маълумот беради. Доим Чилонзорга йўлим тушганда, албатта ушбу дўкондан ўзимга керакли бўлган газета ва журналлардан харид қиламан. Бир куни Баҳодир ака журналистлигимни билгач, "Кўпларга ибрат бўлади", дея қуйидаги воқеани гапириб берди.*

# Дўст бўлсанг ёнимда тур

**(Бўлган воқеа)**



**...Ёз ойларининг** бири эди. Турмуш ўртоғим ва фарзандларим билан Қибрай туманидаги дала ҳовлимизга бордик. Нарсаларимизни машинадан тушириш билан овора бўлиб турганимизда, қўшни ҳовлидан уст-боши юпун, соч-соқоли бир оз ўсган бир йигит чиқиб, бизга салом берди-да, ариқдан челагига сув олиб кириб кетди. Бир оздан сўнг яна чиқиб, идиш-товоқларини ўша ариқда юва бошлади. Унга қараб туриб, тўғриси раҳмим келди. Ичкарига киргач, хотинимга тезроқ овқатга уннашни буюриб, ўзим томорқанинг у ёқ-бу ёғини тартибга келтирган бўлдим. Нимагадир бояги йигитнинг қиёфаси кўз олдимдан кетмасди. Кўчага чиқдим. Йигит болаларимнинг уйинини кузатаётган экан. Яқинроқ танишиш мақсадида у томонга юрдим. Ҳол-аҳвол сўраб, уни ариқ бўйига таклиф қилдим.

— Қани, ука, гапиринг-чи, асли қаерликсиз? Бу ерларда нима қилиб юрибсиз?

— Исмим Азимжон, Сурхондарёнинг тоғли қишлоқларидан бирида туғилганман, — дея гап бошлади у. — Бизнинг қишлоқда ошначиликка катта эътибор беришади. Дўстингизнинг ғамига ҳам, хурсандчилигига ҳам шерик бўлишингиз лозим. Мен ҳам болалигимда ҳамқишлоғим Обрўй билан тўн кийишиб, ошна (дўст) тутинганман. Иккаламиз бирга мактабга чиқдик. Тўйларда кураш тушиб, совғалар олардик. Гоҳида у бизникида, мен эса уларникида ётиб ҳам қолардик. Ота-оналаримиз ҳам бизларни бирдай яхши кўришарди. Хуллас, битта кўрпани тепкилаб вояга етдик. Уйландик. Янги уй-жойни ҳам бирга қурдик. Унинг икки, менинг эса бир фарзандим бор. Кейинги вақтларда Обрўй тез-тез касалга чалиниб қоладиган бўлди. Уни шаҳардаги шифохонага олиб бордик. Жигари хасталанган экан. Оғир ишга ярамай қолди. Укалари ва мен доим унга ёрдам бериб турдик. "Содиқ дўст — меҳнатда бирга, сохта дўст — роҳатда бирга", дейишади. Биз бир умрга ошна бўлиб қоламиз, дея қасам ичганмиз. Бир куни Обрўйнинг аҳволи ёмонлашиб қолди. Тезда уни шифохонага олиб бордик. Икки-уч кун даволанди. Сўнгра дўхтирлар "Тошкентга олиб бормасанглар бўлмайди", дея уни олиб кетишимизни маслаҳат беришди. Обрўйлар жудаям ночор яшашарди. Шунинг учун боқиб юрган кўчқоримни сотдим ва унинг уйидагилари билан маслаҳатлашиб, дўстимни Тошкентга олиб борадиган бўлдим.

— Обрўй, бу ётишдан фойда йўқ. Сени пойтахтга олиб бормоқчиман. У ерда тажрибали врачлар кўп. Касалингни албатта даволашади.

— Раҳмат, ошна, лекин у ёқларга боришга имконим йўқ. Сен ҳам ўзингни қийнама. Худонинг ўзи дардини берди-ми, шифосини ҳам беради. Яхши бўлиб қоларман.

— Кўйсанг-чи қаёқдаги гапларни. Сен шунақа чўзилиб ётаверсанг, мен қараб турар эканманми? Ўлимдан бошқа ҳамма нарсанинг чораси бор ахир. Гапни кўпайтирма. Келинга айт, йўл тадоригини кўраверсин. Сени албатта даволатаман.

Обрўйнинг кўзларида ёш кўрдим. Дардингнинг зўридан бечоранинг ранги ҳам бир ҳол бўлиб қолганди. Хижолат бўлмасин дея хонадан чиқиб кетдим. Уйга бориб, хотинимни, боламни олиб, онамникига келдим.

— Эна, келинингиз шу ерда туриб турсин. Ошнам Обрўйнинг аҳволи оғир. Эртага уни олиб Тошкентга кетяпман.

— Майли, болам, майли. Неварагинамни ҳам соғинган-дим. Яхши қилибсан уларни олиб келиб.

Кўнглим хотиржам бўлиб, эртаси куниёқ йўлга тушдик. Ҳар эҳтимолга қарши пойтахтда ўқийдиган ҳамқишлоқларнинг манзилларини ҳам ёзиб олдим. Яхши бўлган экан. Тошкентга келганимиздан сўнг уларнинг олдига, талабалар шаҳарчасига бордик. Ҳамқишлоғим Шуҳрат тунашимизга жой топиб берди. Эртаси куни ошнамни шифохоналарнинг бирига олиб бордим. Врач уни текшириб кўргач, мени хонасига таклиф қилди.

— Ўртоғингизнинг аҳволи анча оғир. Операция қилиш керак. Ундан олдин эса даволаш зарур. Бунинг учун кўп пул керак. Дори-дармон дегандай... Топиб келасизми?!

— Етса молим, етмаса жоним-да, дўхтир. Бемалол айтаверинг. Ошнам учун ҳеч нарсани аямайман.

— Майли, ундай бўлса жуда соз. Узоқ юртдан келибсизлар. Аҳволларингизни ҳам инобатга олиб, дори-дармон ва даволаш учун кўп эмас, уч юзта сўрайман... кўкидан.

— Жон дўхтир. Келаётганимда бир кўчқоримни сотгандим. Пулини йўлкирага озроқ ишлатиб, қолганини олиб келгандим. Менда бори шу. Бошқа пулимиз йўқ. Илтимос, ўзингиз бир иложини қилинг. Қайтиб кетсак уят бўлади. Қишлоқдагилар кейин "Битта ошнасини ҳам даволатолмабди", дея гап қилишади. Шунинг учун жон дўхтир, нима десангиз розиман. Фақат ошнамни соғайтириб беринг.

— Ўртоғингиз учун намунча куйиб-пишяпсиз. У сизга шунчалар қадрдонми? Қўйил қолиш керак сизга. Ҳозирги пайтда, ака укани танимаётган вақтда. Майли, ҳозирча ошнангизни палатага жойлаштирамиз. Икки-уч кундан сўнг анализларнинг жавоби чиқади. Биз яна ташхис қўямиз. Кейин бир гап бўлар. Ҳозирча чўнтагингиздагини ташлаб кетаверинг.

— Раҳмат, дўхтир. Бу яхшилигингизни бир умрга унутмайман, раҳмат.

Обрўйни касалхонада қолдириб, ўзим Шуҳратнинг ётоқхонасига қайтдим. Шуҳрат орқали ҳамқишлоқларимни топиб, вазиятни тушунтирдим. Ҳамма йигитлар Обрўй учун топган пулларини ўртага ташлашди. Ҳаттоки, дам олиш кунлари мардикор бозорига чиқиб, ишлаб топган пулларини ҳам ошнам учун берадиган бўлишди. Йигитлардан ҳам жудаям хурсанд бўлдим. Яна шифохонага бордим. Дўхтирга йиғилган пулларни бердим.

Аммо яна анча пул тўплашим зарур эди. Шунда дўхтирнинг ўзи мени бу муаммодан қутқарди.

— Шаҳар чеккасида бизнинг дала ҳовлимиз бор. Анчадан буён қаровсиз аҳволда ётибди. Ўша ерда бир йилча ишлаб берсангиз, етмаган пулингиздан воз кечаман.

— Майли, сиз нима десангиз шу. Фақат ошнам соғайса бўлгани.

— Унда кечқурун келинг, сизни дала ҳовлимизга олиб бораман.

Шундай қилиб, бу ерга келиб қолдим. Ётиб-туришим учун гараждан жой қилиб берди. Ҳар ҳафта озиқ-овқат келтириб берадиган бўлди. Ошнамдан ҳафтада бир марта хабар оляпман. Яқинда уни операция қилишди. Анча яхши бўлиб қолди. Ҳадемай оёққа туриб кетади. Уйдагиларга талаба йигитлар орқали кейинроқ боришимни айттириб юбордим.

— Оилангизни, фарзандингизни соғинмадингизми? — дея савол бердим.

— Соғиндим... Аммо ошнамни ҳам бу аҳволда ташлаб кетолмайман. Шунинг учун барчасига чидашим керак. Яна ярим йилча қолди. Сўнгра мен ҳам қишлоғимга қайтаман. Машҳур ҳофизимиз Шерали Жўраевнинг "Дўст бўлсанг ёнимда тур" деган қўшиғи бор. Ошнам ҳам шу қўшиқни жуда яхши кўради. Бу бизга атаб айтилган бўлса керак. Ўзим ҳам анча-мунча шеърлар қоралаб қўйдим.

Шу пайт хотиним тушлик тайёр бўлганини айтиш учун ёнимизга келди. Азимжон одоб билан туриб яна бир бор унга салом берди. Турмуш ўртоғимнинг ҳам унинг шеърларини тинглашга ундадим. Азимжон ёзган шеърларини берилиб ўқиди. Унинг шеърларида дард бор эди.

— Туғма истеъдодингиз бор экан. Қойил, — дея ўз фикрини билдирди турмуш ўртоғим. — Юринг, биз билан бирга овқатланинг.

— Ҳа-я, юринг укажон. Жудаям яхши ҳамсуҳбат экансиз. Қани, кетдик.

Азимжон ўзининг хароб уст-бошидан уялди шекилли, қанчалик қистамайлик, унамади. Болаларимдан унга овқат ва меваларидан бериб юбордим. У жудаям яхши, олижаноб, меҳр-оқибатли йигит экан. Унинг инсонийлигига тан бердим. Бугунги кунда баъзи ака-укалар ўзаро адоватлашиб, бир-бирига ёрдам бермолмаётган бир пайтда дўсти учун ўзининг бир йиллик умрини, бор топган-тутганини бағишлаган инсонни илк маротаба кўрдим. "Дарахтни томири, одамни дўсти сақлайди", деб бежизга айтишмаган экан. Менимча, Обрўйни дўсти Азимжоннинг меҳр-оқибати ҳаётга қайтарди десам, муболаға бўлмайди. Орамизда Азимжондек йигитлар кўп бўлишини хоҳлардим.

**Хонбиби ҲИММАТ ҚИЗИ**


## Табриклаймиз!

*"Ўзбекистон почтаси" ОАЖнинг Бухоро филиали ва вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси жамоалари Жондор тумани почта алоқаси тармоғи бошлиғи Шамсиддин ҲАСАНОВни 50 ёшга тўлиши муносабати билан самимий муборакбод этади. Унга мустаҳкам соғлиқ, оилавий бахт-саодат, узоқ умр, ишларига янги муваффақиятлар тилайди.*

***

*"Фарғона Телеком" филиали жамоаси Кувасой шаҳар телекоммуникациялар боғламаси бошлиғи Ҳамиджон БИБАРСОВни таваллуд топган куни билан самимий қутлайди. Унга соғлиқ, узоқ умр, хонадонига тинчлик-хотиржамлик тилайди.*

***

*"Бухоро Телеком" филиали ва вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси жамоалари филиалнинг телефон алоқалари узатиш ускуналари цехи иккинчи тоифали муҳандиси Назира БОЗОРОВАни 50 ёши билан чин дилдан табриклайди. Унга узоқ умр, оилавий бахт-саодат, ишларида омадлар тилаб қолади.*



**МУАССИС:** Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги

**Бош муҳаррир:** Орифжон МУҲАММАДЖОНОВ

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**
Иззат АҲМЕДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари)
Шомансур ОБИДХЎЖАЕВ
Миродил САНГИЛОВ
Лутфилло ТУРСУНОВ (масъул котиб)
Раҳимжон ТУРҒУНОВ
Алишер ХЎЖАЕВ
Асрор ЭШОНХЎЖАЕВ
Рустам ҚОСИМОВ
Содиқжон ҚОСИМОВ

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 042 рақами билан рўйхатга олинган.

Таҳририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди.
*Муаллифларнинг фикрлари таҳририят фикридан фарқланиши мумкин.*
Нашримиздан кўчириб босилганда "Xabar"дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.
*Тижорий материал* — ❶.
Реклама матнларининг тўғрилигига таҳририят жавобгар эмас.
*Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақола муаллифи масъулдир.*
Газетани тайёрлашда Интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.

**Манзилимиз:** 700060, Тошкент-60, Т. Шевченко кўчаси, 17-уй.
**Тел.:** 133-36-48; 136-35-29. **Факс:** 136-36-42.
**E-mail:** *orif@infonet.uz*

Газета таҳририят компютер базасида терилди ва саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
**Манзил:** Тошкент шаҳри, "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

559-G сонли буюртма. Офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-3, ҳажми 2 босма табоқ. Адади: 8038 нусха.

Ахборот ҳамкоримиз UzInfoCom маркази.

Саҳифаловчи: А.БЎРИЕВ.

Матн терувчи: Д.МАТҚУРБОНОВА.

Босишга топширилди — 20.00. Босишга топширилиш вақти — 20.00.